


Ҳадис ва Ҳаёт-16/17 (Мр3)



05:00 / 09.03.2017 3488

Ҳадис ва Ҳаёт-16/17 (Мр3)

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «Таом, шароб ва либос» деб номланган 16 ва 17-жузлари ёзилган аудиодисклар савдога чиқарилди.

Ушбу жузларда Исломи диннинг ҳалол таомлар, егулик ва ичимликларга оид ҳукмлари баён қилинади. Шунингдек, аудиодастурни тинглаб, Исломи инсониятга тақдим этган энг тўғри ва мукаммал маданият – овқатланиш одоби ва кийиниш маданияти билан ҳам танишамиз. Тингловчиларимиз мазкур жузларга киритилган уй тутиш, шахсий ва умумий гигиена ҳамда бошқа олий маданий сифатлар ҳақидаги маълумотлар билан ҳам батафсил танишишлари мумкин.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: «Ҳадис ва Ҳаёт». 16-17-жузлар. «Таом, шароб ва либос» (CD MP3)

Нашриёт: «SEMURG' MEDIA» MChJ

Сана: 2010

Ҳажми: 846 дақиқа

Нархи: 2500 сўм

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг тавсияси ила нашр этилган

Мурожаат учун телефон: (+998 71) 216 29 27

Мундарижа

- Муқаддима
- Таом ва шароб китоби
- Таом одоби
- Ичиш одоби
- Еб-ичгандан сўнг ҳамд айтиш
- Идишлар
- Жамоат таоми ва зиёфат ҳақида
- Таомлар ҳақида
- Музтар ҳолатда ўлимтик жоиз
- Макруҳ сабзавотлар
- Ичимликлар ҳақида
- Хамр ҳақида ворид бўлган нарсалар
- Хамр ичишдан огохлантириш
- Хамр сиркага айлантирилмайди
- Маст қилмайдиган набийз мубоҳдир
- Либос китоби
- Эркакларга ипак, тилло ва кумушнинг ҳаромлиги ҳақида
- Аёлларга тилла ва ипак жоиз
- Кийимнинг турлари ҳақида
- Жун, қил ва шу кабилардан қилинган нарсаларни кийиш жоиз
- Кийимларнинг ранги
- Салла ва унинг пеши ҳақида
- Узук ҳақидаги фасл
- Кавш
- Озодалиқ мустаҳабдир
- Либоснинг одоблари ҳақида

- Кийиниш пайтида шукр қилиш
- Аёллар либоси
- Фитрат суннатлари ҳақида
- Соч ва унинг парвариши ҳақида
- Соч бўяш
- Улама, вашм ва шу кабилар ҳаром
- Қўнғироқлар
- Бошқаларга тақлид қилиш ва қалбакилик ҳаромдир
- Юзга уриш ва тамға босиш ҳаром
- Уй жиҳозлари ҳақида
- Сурат солиш ҳаромдир, чунки фаришталарни манъ қилади
- Хушбўйлик мустаҳабдир
- Хотима